2012 йил 17 октябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (12.270)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБОЙЖОН:

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасида бўлди.***

Ўзбекистон делегациясининг Озарбойжонга ташрифининг илк дақиқалариданоқ қадим озарбойжон заминига хос бўлган анъанавий меҳмондўстлик, самимийлик, дўстона муносабат туйғулари ҳамда мамлакатимизга катта ҳурмат-эҳтиром намоён бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ташқи сиёсий конъюнктура қандай бўлишидан қатъи назар чуқур тарихий илдизлар, ўхшаш ва яқин миллий анъаналар, урф-одатлар, тил, маданият ва динга асосланади, ҳамкорлигимиз аниқ белгиланган йўналишларга эга. Дўстона алоқаларимизнинг янги тарихида мамлакатларимиз турли даражаларда ўзаро самимий ёрдам қўлини чўзиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга расмий ташрифи аввалambor мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илгари эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли устувор йўналишларини белгилаб олишга қаратилди.

Ўзбекистон Озарбойжон билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ўзаро ишончга асосланган муносабатлар қарор топди, мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Томонлар ўртасида ана шундай самимийлик ва ўзаро ишонч муҳитида, конструктив ва амалий мулоқот руҳида ўтган музокараларда Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро хавфсизликка доир долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Президентимизнинг ташрифи асносида эришилган аниқ натижалар икки томонлама муносабатларни стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига олиб чиқиш имконини берди.

Минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилар экан, томонлар давом этаётган можаролар ва кескинлик ўчоқларини давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига қатъий риоя қилиш асосида тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Жанубий Кавказда қарама-қаршиликлар давом этаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳам Озарбойжон мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатнинг бой ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакатда замонавий технологияларга, экспортни кенгайтириш ва жаҳон бозорларига интеграциялашишга асосланган саноат базаси яратилган. Озарбойжон ўзининг қулай географик ва геостратегик ўрнидан самарали фойдаланиб, ушбу улкан минтақадаги муҳим логистик марказлардан бири сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон чегарадош бўлмасада, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёнинг геосиёсий ҳамда геоиқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатларимизни кўп жиҳатлар бирлаштириб туради.

Сўнгги йиллардаги воқеалар шуни яққол кўрсатмоқдаки, улкан минерал-хомашё ва углеводород ресурслари, бой маданий-тарихий ва инсон салоҳиятига эга бўлган, жаҳон сиёсатидаги энг муҳим минтақалардан бўлган дунёнинг мазкур икки минтақасида турли ташқи кучлар ва қудратли давлатларнинг манфаатлари ўзаро дуч келмоқда ва баъзида очиқдан-очиқ тўқнашмоқда.

Мазкур минтақалар, табиийки, ўзига хос хусусиятларга, шу билан бирга умумий жиҳатларга ҳам эгадир.

Бу, табиийки, мамлакатларимиз ва минтақаларимиз хавфсизлигини ҳамда уларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш йўлида қулай ташқи шароитлар яратиш учун давлатларимиз фаолиятини ва мамлакатларимизнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш заруратини тақозо этади.

Минтақаларимизда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар эҳтимоли кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ўрни ғоят муҳимдир ва мамлакатларимиз бундай таҳдидларга нисбатан адекват муносабатда бўлиши даркор.

Музокараларда, шунингдек, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Давлатларимиз раҳбарлари икки томонлама савдонинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада юксак даражага кўтариш учун амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Озарбойжоннинг нефть-газ саноатидаги салоҳиятини инобатга олиб, ушбу мамлакатдан узоқ муддатли асосда нефть-газ саноатида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, нефть-кимё саноати маҳсулотлари, шунингдек, Озарбойжон корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бошқа маҳсулотларни сотиб олишга тайёр.

Айни пайтда Ўзбекистон корхоналари Озарбойжонга замонавий енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, кенг турдаги электротехника маҳсулотлари, кимё саноати, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, цемент ва қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа товарларни етказиб беришга тайёр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга ташрифи доирасида ўтказилган бир қатор тадбирлар, озарбойжонлик ҳамкорлар билан ташкил этилган икки томонлама учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Озарбойжон ҳукуматлараро комиссиясининг ўнинчи мажлисида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мавжуд катта заҳиралар ва имкониятларни ишга солишдан, шунингдек, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришдан, шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

11 октябрь куни Ўзбекистон – Озарбойжон бизнес-форуми ўтказилди. Озарбойжоннинг етакчи компанияларидан юздан зиёд вакиллар иштирок этган мазкур анжуманда томонлар мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларини кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд эканини таъкидладилар ва кенг турдаги маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш бўйича аниқ таклифларни муҳокама қилдилар.

Мисол учун, Озарбойжонда «GM Ўзбекистон» корхонасида «Шевроле» бренди остида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга талаб катта. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йилда Озарбойжонга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қарийб 4,5 минг автомобиль етказиб берилди ва яқин йилларда яна 3,3 минг автомобиль етказиб бериш тўғрисида келишувга эришилди.

Озарбойжонга автомобиллар етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришни янада рағбатлантириш мақсадида Боку шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Кобальт» русумли янги автомобиль тақдимотини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Озарбойжонга Ўзбекистондаги «МАН» ва «Исузу» корхоналари базасида ишлаб чиқарилаётган автобуслар, оғир юк автомобиллари, махсус техника, шаҳар коммунал хўжалиги техникаси, шу жумладан, ўт ўчириш машиналари, сув сепиш ва суғоришга мўлжалланган машиналар, юк кўтаргичлар ва бошқа техника воситаларини етказиб беришни йўлга қўйиш ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Мисол учун, ҳозирги кунда «СамАвто» корхонасида ишлаб чиқарилган 400 дан ортиқ автобус Озарбойжон йўловчи ташиш тизимида хизмат қилмоқда. Ушбу машиналар ўзининг юқори сифати ва қулайлиги билан ишончга сазовор бўлди ва 2013 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган яна 150 автобусни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Озарбойжонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилаётганини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу мамлакат бозорига «ЎзКлассАгро» қўшма корхонаси ва «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган комбайн ва тракторларни, шунингдек, минерал ўғитлар етказиб беришни йўлга қўйиш яхши истиқболга эга.

Ўзбекистон буғдойини Озарбойжон бозорига етказиб бериш борасида муайян тажриба тўпланган ва мазкур мамлакат компаниялари бундай ҳамкорликни Озарбойжонга йилига 50 минг тоннагача дон етказиб беришни ташкил этиш билан давом эттиришдан манфаатдор.

Умуман, озарбойжонлик шериклар билан ўтказилган тадбирлар ва икки томонлама музокаралар ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қизиқиш юқори эканлигини кўрсатди. Озарбойжонга автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, буғдой, минерал ўғитлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа товарларни етказиб бериш бўйича имзоланган ҳужжатлар бунинг далилидир.

Олий даражадаги музокаралар чоғида Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари ўртасидаги транспорт йўлакларини ривожлантириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу йўлаклар Қора денгиздаги Поти ва Ўртаер денгизидаги Мерсин (Туркия) бандаргоҳлари орқали Европа мамлакатларига чиқиш имконини беради.

Бу йўналишда Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия темир йўлларини Туркия темир йўллари тизими билан боғлайдиган ва Мерсин бандаргоҳи орқали Ўртаер денгизига чиқиш имконини берувчи Навоий – Туркманбоши – Боку – Тбилиси – Карс (Туркия) темир йўл транспорт йўлагидан фойдаланишга мамлакатимизда ҳар томонлама манфаатли лойиҳа сифатида қаралмоқда.

Бу хусусда сўз кетганда, томонлар Боку – Тбилиси – Карс темир йўли лойиҳасини амалга ошириш транспорт ва коммуникацияга оид лойиҳалар учун тамомила янги шароит яратишини, бу анча қисқа ва иқтисодий нуқтаи-назардан самарали янги транспорт йўналишини барпо этиш имконини беришини таъкидладилар.

Музокаралар якунида қабул қилинган Қўшма баёнотда савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун иқтисодий кооперацияни фаоллаштириш ва мавжуд юксак салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмини ошириш зарурлигига, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи асносида имзоланган ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ тадбирлари ва йўналишлари белгилаб берилган 2012-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини сўзсиз бажариш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Томонлар Ҳукуматлараро комиссиянинг изчил фаолияти бу масалада асосий мувофиқлаштирувчи механизмга айланиши лозимлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга, томонлар сўнгги йилларда Боку ва Тошкент шаҳарларида мамлакатларимизнинг миллий кўргазмалари ўтказилганини, мазкур анжуманлар Ўзбекистон ва Озарбойжон ишбилармон доиралари ҳамкорлик суръатларини оширишга, айниқса, давлатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган соҳаларда шерикликни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганини намоён этганлигини қайд этдилар.

Томонлар, шунингдек, мамлакатларимизнинг мавжуд улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятидан янада самарали ва ўзаро манфаатли асосда фойдаланиш учун ҳамкорликни икки ва кўп томонлама даражада давом эттиришга келишиб олдилар.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантиришдаги асосий устувор йўналишлардандир. Бу халқларимизнинг азалий маданий алоқалари, маънавий яқинлиги, анъана ва маданиятининг муштараклиги билан изоҳланади.

Боку шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали, Тошкент шаҳрида Низомий Ганжавий ҳайкали ўрнатилган. Озарбойжон пойтахтидаги кўчалардан бирига буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек номи берилган. Ўзбекистон пойтахтидаги кўчалардан бири озарбойжон халқининг буюк фарзанди Гейдар Алиев номи билан аталади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги қирқ минглик озарбойжон диаспораси вакиллари юртимиздаги кўплаб миллат ва элатлар билан бирга тинч-тотув яшаб, мустақил ва суверен Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сўнгги йилларда озарбойжон миллатига мансуб 27 нафар Ўзбекистон фуқароси, улар орасида машҳур олим ва ўқитувчилар, қурувчи ва ҳарбий хизматчилар, эл севган маданият ва санъат намояндалари бор, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани улар жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнига эга эканлигидан яққол далолат беради.

Озарбойжонлик санъат усталари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Қўшма илмий-техник ишланмаларни ташкил этиш, икки мамлакат Фанлар академиялари ва олий таълим муассасалари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш, маданият соҳасида турли тадбирларни ўтказиш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир.

Ўзининг бетакрорлиги ва бунёдкорлик ишлари суръатининг юқорилиги билан кишида катта таассурот қолдирувчи Боку шаҳрининг бугунги қиёфаси изчил ривожланиб бораётган Озарбойжон эришаётган ютуқларни яққол намоён этади. Бугун мамлакат пойтахти жадал ривожланаётган мегаполисдир. Боку бир томондан Шарқона шаҳар бўлса, бошқа томондан Ғарб цивилизациясидан асло қолишмайдиган замонавий шаҳардир.

Шаҳарда деярли барча магистрал коммуникациялар бутунлай янгиланган. Боку ўзига хос, эҳтимол Шарқ мамлакатларига унчалик хос бўлмаган архитектура асосида барпо этилган кўплаб иншоотларга эга шаҳардир. Буларнинг барчаси бугун Озарбойжон нафақат Шарқнинг марказларидан бири, балки илғор меъморий ечимлар асосида барпо этилган замонавий мамлакат эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга амалга оширган мазмунли ва самарали ташрифи натижаларидан хулоса қилиб шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур ташриф кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришда, стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда, халқаро ҳаётнинг долзарб муаммолари бўйича ўзаро манфаатли муносабатларнинг кенг кўламли масалаларини ўз ичига олган дастурни шакллантиришда муҳим янги босқич бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
Тошкент – Боку – Тошкент.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида маданият ва санъат соҳасида юксак малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини оширишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва журналистлар иштирок этди.**

**● Бувайда туманидаги савдо-сотиқ билан шуғулланувчи «Эврика» универсал маркази ўз фаолиятини кенгайтириб, ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Яъни банкнинг 95 миллион сўмлик имтиёзли кредитидан фойдаланилиб, марказ қошида нон ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлана бошланди. Эътиборлиси, ушбу лойиҳа туфайли 8 нафар коллеж битирувчиси бандлиги таъминланиши баробарида, туман аҳолиси дастурхонига сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тортиқ қилиш имконияти ҳам яратилди.**

**● Гурлан туманидаги «Гурлансавдо» шўъба корхонаси жамоаси саъй-ҳаракати билан 101 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига 150 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совутқичли омборхона қурилиб фойдаланишга топширилди.**

**● Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро куни муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, БМТ Тараққиёт дастури вакиллари қатнашди.**

### ЖАҲОНДА

**● Швейцариялик фермер улкан қовоқ етиштиришга муваффақ бўлди. Мазкур давлатнинг Зеегребен шаҳарчасида истиқомат қилувчи Бени Майер оғирлиги 769 килограммни ташкил этувчи улкан қовоқ билан барчани ҳайратга солди. Фермер Бени ўзи етиштирган бу полиз экини билан Германияда ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги халқаро ярмаркасида иштирок этиш ниятида.**

**● Европалик олимлар смартфонлар учун янги махсус илова дастури яратди. Дастур муаллифларининг сўзларига қараганда, ушбу «Anxiety Coach» дастури одамга руҳий ёрдам кўрсатади. Маълумотларга кўра, илова фойдаланувчини ўзига нисбатан бўлган ишончни янада кучайтириш имконини берадиган, ваҳимадан қутилишга хизмат қиладиган турли машқ дастурлари билан таъминланган.**

**● Америкалик болалар дунёда семизлик бўйича рекордчилар саналар экан. Мамлакатда болалар ўртасида ортиқча вазн оқибатида юзага келадиган қандли диабет ва юрак қон-томир хасталиклари тўққиз фоиз ошган. Шунингдек, Европанинг кўплаб давлатларида семизлик авж олмоқда. Буюк Британия, Венгрия, Руминия, Греция, Германия, Албания, Словакия каби мамлакатларда ҳар уч эркакдан иккитаси семизлик касалига чалинган. Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил мобайнида «бақалоқлар» сони Буюк Британияда уч баробар кўпайган. Мамлакат ҳукумати ушбу касалликка қарши йилига ўн уч миллиард фунт стерлинг миқдорида маблағ сарфлайди. Шифокорларнинг айтишича, мунтазам фаст-фуд маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатлилик ва руҳий тушкунликка тез-тез тушиш ортиқча вазн билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирар экан.**





**Бугун пойтахтимизда VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди.**

# «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилдан ўтказилаётган мазкур ярмарка самарасида ўзбек пахта толасига халқаро бозорда қизиқиш тобора ортиб бораётир. Дастлабки ярмаркада дунёнинг 30 мамлакатидан 170 нафар вакил қатнашган бўлса, ўтган йили 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ортиқ вакили ташриф буюрган эди. Жорий йилда уларнинг сони янада ортиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда энг юксак талабларга жавоб берадиган пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича замонавий комплекс ташкил этилди. Илгари ярмаркада асосан тола сотиш бўйича шартномалар имзоланган бўлса, кейинги йилларда мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотлари ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топиб бормоқда.

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясидан маълум қилишларича, VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасини юқори савияда ташкил этиш, иштирокчилар ва меҳмонлар учун барча шароитларни яратиш юзасидан қизғин тайёргарлик кўрилган. Хусусан, кўргазма зали марказида турли навли пахта толаси ва ғўза уруғи намуналарини намойиш қилиш учун махсус стенд ўрнатилган.

Пахта ва тўқимачилик тармоғи маҳсулотлари алоҳида павильонларда намойиш этилади. Пахта хомашёси кўргазмасида мамлакатимиз пахта толасининг саккиз юздан ортиқ намунасини қўйиш мўлжалланган. Улар «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази сертификатига эга. Марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида HVI замонавий тизимидан фойдаланилаётгани пахтамизнинг юқори сифатлилигини таъминламоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари павильонида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг бир қатор етакчи корхоналари, хусусий тадбиркорлар ўзларининг экспортга мўлжалланган тўқимачилик маҳсулотлари билан иштирок этади. Юртимизда тайёрланаётган енгил саноат маҳсулотлари сифати ва дизайни хорижникидан қолишмайди. Шу боис уларга хорижда ҳам талаб катта.

Кўргазма стендларини жойлаштириш бўйича бадиий лойиҳа ишлаб чиқилди. Азалий қадриятларимиз, ишлаб чиқариш соҳасида эришаётган ютуқларимизни жаҳонга кўрсатиш ва уларнинг янада юксалишини таъминлаш мақсадида ярмарка доирасида миллий матолардан яратилган либослар намойишини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Ҳамкорлик шартномаларини тузиш, тақдимот маросимларини ўтказишга мўлжалланган конференция зали халқаро талаб ва стандартларга мос жиҳозланди.

Мазкур анжуман мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва халқаро майдонда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА**
**ЎзА мухбири**

# КОНСТИТУЦИЯ – АДОЛАТ КАФОЛАТИ

***Сергели туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси туман кенгашлари ҳамкорлигида «Конституция – ижтимоий адолат кафолати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, «Камолот» ЁИҲ фаоллари ва ҳамкор ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

Конституция жамият ва давлат тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг асосий принципларини, уларнинг ваколатларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаб беради. Барча қонунлар, кодекслар, қарорлар ва фармонлар Конституция негизида ва унга мувофиқ тарзда қабул қилинади.

«Адолат» СДП сайловолди дастурида ҳам қонунлар мукаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида қайд этилган. Шу нуқтаи назардан партия ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этмоқда.

Давра суҳбатида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ижтимоий адолат кафолати», «Сиёсий замонавийлашув жараёнида сиёсий институтларнинг такомиллашуви» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Ёшлар ўз чиқишларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бош қомусимиз ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни, юртимизда қонун ижодкорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги масалаларига оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

***«Тошкентдон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти таркибида фаолият кўрсатаётган корхоналар тўлиқ модернизация қилиниб, техник қайта жиҳозланди. Бунинг эвазига янги тегирмонларга ҳам эга бўлинди. Хусусий корхоналар сони ортди. «Тошкент гуруч» филиали эса ишлаб чиқариш қувватини оширишга эришди.***

# ЗАМОНАВИЙ ТЕГИРМОН ЎРНАТИЛДИ

— Корхонамиз энг замонавий техника ва технологиялар билан қуролланган, — дейди унинг раҳбари Улуғбек Ибодбеков. — Туркиядан олиб келинган тегирмондан унумли фойдаланилмоқда. Ҳукуматимизнинг «Омухта ем ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ корхонада омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги техникалар олинди. Голландия компаниясининг замонавий дастгоҳлари шулар жумласидан.

Янги жиҳозлар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бир қаторда электр энергияси ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфини камайтириш имконини бераётир.

«Тошкент гуруч» филиалида бир кечаю кундузда 130 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

**Янги қонун кучга кирди**

# ТАДБИРКОРГА ЗИЁН ЕТКАЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

***Асосий қонунимизда мулкдорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланган. Мамлакатимизда барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётгани ушбу конституциявий тамойилнинг амалдаги ифодасидир.***

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 54 фоизи, саноатнинг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базасининг яратилгани бундай юксак самараларнинг муҳим омили бўлмоқда. Бизнес субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга барҳам бериш, текширишларни кескин камайтириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлигини назарда тутадиган туркум қонунларнинг қабул қилингани уларнинг эркинлигини таъминлаш имконини бераётир.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик субъектлари эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар иқтисодиётимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши котиби Эркин Жўраев. – Текширишларни тартибга солиш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида ҳозир тадбиркорлик субъектларининг ўртача икки фоизи фаолиятида текшириш ўтказилмоқда, холос. Бундан ўн йил олдин мазкур рақам 33 фоиздан ошар эди. Бошқача айтганда, ҳар уч тадбиркордан бирининг фаолияти тафтиш қилинган. Шунинг ўзи ҳам ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар кўлами ва аҳамиятини яққол намоён этади.

Қонуний текширишлар камайиши билан бирга, ноқонуний текширишлар деярли барҳам топди. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бундай ҳолат умуман қайд этилмагани фикримизнинг далилидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун қонун асосида жавобгарликнинг жорий этилгани бу жараёнга янада самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шу маънода «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ўз вақтида, жамиятимиз равнақи, иқтисодиётимиз тараққиётининг муҳим таянчи бўлган тадбиркор манфаатини ўйлаб қабул қилинди.

Ушбу қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жазо чораларини қўллашни назарда тутувчи моддалар киритилди.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $241^{1}$-моддасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн баравваригача миқдорда жарима солиш, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш баравваригача миқдорда жарима солиш белгиланган эди.

Энди янги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёҳуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш, текширишлар ўтказиш, ушбу субъектнинг фаолиятини ва банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш баравваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик баравваригача жарима солинади.

Шунингдек, янги қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси $206^{1}$-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, юқорида қайд этилган ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, содир этилган ҳаракатларнинг оғирлик даражасига қараб, энг кам иш ҳақининг бир юз эллик баравари миқдорида жарима солишдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши белгиланди.

Бошқача айтганда, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш энг кам иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз баравваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёҳуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказилганда, бу такроран бўлса ёки рецидевист, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса, энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз баравваригача миқдорда жарима солинади, муайян ҳуқуқлардан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектга жуда кўп миқдорда зарар етказилса, бу уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб қилинган ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз баравваригача миқдорда жаримага тортиш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қонунчилигимиздаги бундай янгиликлар халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўла мос келади. Жумладан, Германия, Голландия, Хитой, Малайзия, Австрия, Болгария, Польша, Сингапур каби давлатлар қонунчилигида ҳам хўжалик юритувчи субъектларга жиддий зиён етказилганда жарима билан бир қаторда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, янги қонун билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг олдини оладиган мустаҳкам тўсиқ қўйилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

**(ЎзА)**

**Қарор ва ижро**

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Тошкентда «Қайта тикланадиган энергетика соҳасидаги сўнгги ютуқлар ва тенденциялар: паст ўлчамли функционал материаллар ролидан ва инновацияларни бошқаришгача» мавзуида халқаро илмий анжуман бошланди.***

Тадбир Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги амалий физика илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон физика жамияти, пойтахтимиздаги Турин политехника университети ҳамда НАТОнинг «Фан тинчлик ва хавфсизлик учун» дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимиз мутахассисларидан ташқари Бельгия, Германия, Дания, Исроил, Италия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатлардан 40 нафардан зиёд олим ва экспертлар иштирок этмоқда.

Сўнгги ўн йил ичида дунёда ресурслар, айниқса, энергия тежамкорлиги масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу энергия истеъмоли уни ишлаб чиқаришга нисбатан жадал суръатларда ўсаётгани билан изоҳланади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида алоҳида таъкидланганидек, бу борада юқори технологияли энергия тежаш усуллари, илғор фан ютуқларига асосланган инновацион ва илмталаб технологияларни жорий қилиш муҳим аҳамията эга.

Ўзбекистон физика жамияти раиси, физика-математика фанлари доктори Даврон Матрасуловнинг айтишича, анжумандан кўзланган асосий мақсад – энергетикада қўлланиладиган ресурсни тежовчи материаллар яратиш соҳасидаги илмий-амалий вазифалар, устуворликлар ва истиқболларни муҳокама қилишдан иборат. Бунда паст ўлчамли функционал материаллар физикасидаги сўнгги ютуқлар ва замонавий нанотехнологияларда улардан фойдаланиш масаласи анжуманнинг бош мавзуи бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда муқобил энергетикани ривожлантириш масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда, бугунги кунда бу соҳага оид кўплаб ижобий мисолларни келтириш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда кремнийдан йирик кристаллар ва плёнкаларни газ фазали ва вакуумли усуллар ёрдамида олишга оид технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, уларни оптималлаштириш, шунингдек, ярим ўтказгичли материаллар ва қурилмаларнинг электр физик жиҳатларини назорат қилиш воситалари ҳамда усулларини яратиш борасида катта тажриба тўпланган. Юртимиздаги қаттиқ жисмлар физикаси мутахассислари томонидан кварц бирикмасидан техник кремний олиш бўйича қатор самарали технологиялар ишлаб чиқилган. Бу тоза кремний – қуёш элементлари ҳамда бошқа ярим ўтказгичли электрон қурилмаларни олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудида кварцит ва кварц қатламлари, кварц қумлари конлари мавжудлигини эътиборга олиб, ўтган йили ҳукуматимиз томонидан Навоий вилоятидаги «UzKor Silicon» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида техник кремний ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичини ташкил қилиш бўйича инвестиция лойиҳаси тасдиқланган эди. Бу келажакда ўзимизда арзон нархларда қуёш элементлари ва панелларни юқори технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш жараёнини такомиллаштириш имконини беради.

– Ўзбекистон муқобил энергетикани ривожлантириш борасида юксак кадрлар салоҳиятига эга, – дейди ЎзА мухбирига Дюссельдорф университети ҳузуридаги назарий физика институти директори, профессор Рейнольд Эггер (Германия). – Биз Ўзбекистон физика жамияти ва Амалий физика илмий-тадқиқот институти билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқдамиз. Бу ерга ташрифим давомида ёш мутахассислар билан танишиб, мулоқот қилиш имконига эга бўлдим, уларда катта илм-фан оламига кириш учун интилиш ва ҳаракат кучли эканига ишонч ҳосил қилдим. Айнан ёшлар бошқа мамлакатлар билан рақобатлаша оладиган Ўзбекистон илм-фанини янада ривожлантира олади.

Тадбир доирасида паст ўлчамли наноматериаллар асосидаги қуёш элементларининг учинчи авлоди, паст ўлчамли материалларда термоэлектр ва водород энергетикаси, квант функционал материаллари, квант информатикаси ва криптографияда паст ўлчамли материалларни тиббий-биологик қўллаш каби мавзуларга бағишланган маърузалар тингланади, тақдимотлар ўтказилади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

# ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

***Тошкентда 15 октябрь куни Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ва эришган ютуқларига бағишланган конференция ҳамда мазкур соҳада қўлланиладиган Корея технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг йигирма йиллигига бағишланган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Нурматов ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишлар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам изчил тараққий этаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар иқтисодиёт, савдо, сармоя, нефть-газ, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар каби соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Конференцияда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиз иқтисодиётини, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўлида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Кўргазмада Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи қатор йирик фирма ва компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Корея компаниялари томонидан намойишга қўйилган қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланиладиган янги технологиялар, мева ва сабзавотларни қайта ишловчи ва сақловчи ускуналар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

- Ўзбекистонда кўплаб турдаги мева ва сабзавотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади, Жанубий Кореяда эса уларни қайта ишловчи юқори технологиялар мавжуд, – деди Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо вазирлигининг Европа мамлакатлари бўйича бошқармаси бошлиғи Ли Ук Хён. – Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига инновацион технологияларни жалб этиш борасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам фойдали, деб ўйлайман.

– Компаниямиз мева ва сабзавотларни, гул ва бошқа ўсимликларни етиштирувчи иссиқхоналар қуриш ва уларни лойиҳалаштириш билан шуғулланади, – деди ЎзА мухбирига Кореянинг «Whashin» компанияси директори ўринбосари Ли Кюнг Хван. – Ўзбекистонлик ишбилармонлар ва фермерлар кўргазмада намойишга қўйилган юқори технологияли иссиқхоналаримизга катта қизиқиш билан қараётгани бизни қувонтирмоқда.

Ушбу тадбирлар икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида фойдали мулоқотлар ўтказиб, ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бизнес шартномалари тузиш учун яхши имконият дир.

**Мадина УМАРОВА**

***Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонасида юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда мазкур мамлакатда фаолият кўрсатадиган етакчи сайёҳлик агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.***

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ РИМДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Учрашув чоғида унинг иштирокчилари республикамизда сайёҳлик тармоғининг тараққиёти, бу соҳадаги халқаро ҳамкорлик кўламларининг кенгайиши ва унинг истиқболлари билан атрофлича танишдилар. Мамлакатимиздаги бетакрор тарихий обидалар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Тақдимотда сўзга чиққан **«Italian Travel Team» сайёҳлик компаниясининг директори Н.Мело** тақдим этилган маълумотлар ўзбек халқи бой маданий ва тарихий меросга эгалигини яна бир бор намоён қилганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон кўҳна тарих ва бой маданиятга эга мамлакат бўлиб, юртимиз ҳудудида бутун дунёга машҳур меъморчилик обидалари жойлашган.

«Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Биз «Мега-инфо-тур» лойиҳасида фаол иштирок этишга ҳам тайёрмиз. Бундан ташқари, Ўзбекистонга яқинда амалга ошириладиган сафар чоғида компаниямиз раҳбарияти «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган», деди у.

Ўз навбатида, **IDRIA Италия маданият уюшмасининг вице-президенти С.Качиола** «бугунги кунда кўплаб италияликларнинг дунёдаги сайёҳлик соҳаси бўйича энг жадал ривожланаётган мамлакатлардан бири ҳисобланадиган Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятига қизиқиши тобора ортиб бормоқда», дея фикр билдирди. Унинг эътироф этишича, мамлакатимизга келаётган хорижлик сайёҳларга халқаро мезонларга жавоб берадиган меҳмонхона, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилади.

**Италиянинг «FairPlay» халқаро қўмитасидаги миллий вакил Р.Алкантерини** таъкидлаганидек, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари тарихий шаҳарлар Италия жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотади. Ўзбекистондаги табиий ва иқлимий шарт-шароитлар ҳамда ажойиб тоғ манзаралари эса экотуризм, альпинизм, тоғ дарёлари бўйлаб тушиш ҳамда ҳордиқ чиқаришнинг бошқа кўплаб турларини ривожлантириш учун имконият яратади.

Тақдимотнинг кўплаб иштирокчилари ўзбекистонлик шериклар билан келгусидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро алоқаларни кенгайтириш юзасидан катта қизиқиш билдирдилар.

**«Жаҳон» АА**
**Рим**

## ТАБИИЙ ГИЁҲЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

***Бугунги кунда инсон саломатлигини муҳофазалаш, уни янада мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.***

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар негизида, халқ саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини теран англашимиз даркор.

Шу каби муҳим омилларни халққа тушунтириш, уни тарғиб қилиш борасида юртимизда турли хил тадбирлар, учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Ана шундай улкан мақсадлар йўлида аҳолини табиий ўсимликлар, гиёҳлардан тайёрланган доривор ичимликлар билан даволаб келаётган «Gano Worldwide» компаниясининг 3 ёшга тўлиши муносабати билан Туркистон санъат саройида саломатлик байрами нишонланди.

Малайзия билан ҳамкорликда фаолият юритиб келаётган мазкур «Gano Worldwide» компанияси маҳсулотлари ўзининг Абу Али ибн Сино қонуниятлари асосида тайёрланиши билан ажралиб туради. Ушбу компания маҳсулотлари иммунитетни оширишда, ўсмаларга қарши курашда, қонда қанд миқдорининг балансини ушлашда, аллергияга қарши кураш ҳамда умрни узайтиришда ўз самарасини сезиларли даражада кўрсатиб келмоқда.

— Компаниямизнинг шифобахш ичимликлари экология ҳаракатида айнан инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, кимёвий маҳсулотлардан ҳимоялаган ҳолда, табиий маҳсулотлар билан даволаниш имкониятини яратади, — дейди «Gano Worldwide» компаниясининг Ўзбекистондаги бош директори Лазиза Акбарова. — Қолаверса, Ўзбекистон — Малайзия ўртасидаги иқтисодий алоқалар, хотин-қизларни бўш иш ўринлари билан таъминлаш борасида ҳам ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Тадбир давомида сўзга чиққан Малайзиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулазиз Хорун жаноби олийлари инсон саломатлиги ҳар нарсадан устунлиги, унга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги борасида нутқ сўзлади. Қолаверса, ўзаро ҳамдўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда, иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришда мазкур лойиҳа муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

— Йиғилишимиздан асосий мақсад аҳоли ўртасида микроэлементлар етишмовчилиги ва инсон генофондини яхшилаш борасида жойларда тушунтириш ишларини амалга оширишдан иборатдир. Шунингдек, Мустаҳкам оила йилида, оилаларнинг саломатлигини яхшилаш, болалар ва аёллар касалликларини камайтириш, уларни эрта аниқлаб даволашдан иборатдир. Айнан биз тавсия этаётган маҳсулотлар қадимги императорлар сири бўлган гонадема ўсимлиги, яъни женшен ўсимлигидан 10 маротаба кучли даволаш хусусиятига эга, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси магистранти Маъмура Мусурмонова.

Саломатлигимиз ўз қўлимизда, зеро соғлом турмуш тарзи, соғлом оила юрт келажагининг асосий пойдевори ҳисобланади.

**Камола МАҲАМЕДОВА**

## «ЎЗАРХИВ»: ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ — АСОСИЙ МЕЗОН

***Миллий матбуот марказида «Ўзархив» агентлиги фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва архив иши юритишнинг истиқболдаги вазифалари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.***

Тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда республикамизда архив соҳасида, ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш жараёнларини модернизация қилишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги муҳим тадбирларни юритишда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар дастуруламал бўлаётир.

– «Ўзархив» агентлиги ҳукумат қарорлари ва тавсияларига мувофиқ фаолият олиб боради. Мижозларга ҳужжат ва маълумотларни тақдим этишда очиқлик, шаффофлик, тезкорлик ва ишончлилик меъёрларига амал қилиш фаолиятимиз асосини ташкил этади, – дейди агентлик бош директори Абдушукур Абдуллаев. – Сўнгги йилларда архив фондларида сақланаётган ёзма маълумотлар сақлов бирликлари кўрсаткичи даражаси 12 баробарга ошди. Малакали ходимлар барчага сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишга тайёр.

Агентлик раҳбарининг таъкидлашича, бўлимларда сўровларга жавобан тадқиқотчилар учун тез ва сифатли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида замон талаблари доирасида интернет хизматлари кўрсатиш ишлари бошлаб юборилган. Жойларда тез-тез тарғибот тадбирлари, савол-жавоб музокаралари ўтказилмоқда. Келгусида ишлар савиясини яхшилаш ҳамда маблағларни иқтисод қилиш мақсадида видео конференциялар ўтказиш режалаштирилган.

Тадбирда мутахассислар ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс»**



**Ўлкамизда олтин куз**

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ РОЛИ

***Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг вилоятлардаги бошқармаларининг иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.***

Айниқса, ёнғин ўчириш қисмларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг иш фаолиятини янада яхшилаш ва бошқа шу каби йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида Ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни ушбу масаланинг нақадар муҳим ва долзарблигини кўрсатади.

Бугунги кундаги нотинч ва таҳликали замонда Мустақил юртимизнинг тинчлигини тажовузкор кучлардан, шунингдек жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган демократияни экспорт қилиш васвасаси, ҳарбийлаштириш йўлидаги уринишлар, фашизм, айирмачилик, миллатчилик, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро террорчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси ва бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилиш тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш вазифасини ишониб топширган халқ вакилларининг муқаддас бурчидир. Шу билан бир қаторда дунёнинг турли бурчакларида шаҳарлар, ўрмонлар ёниб кул бўлаётганлиги, кўплаб одамлар ҳалок бўлаётганлиги, мамлакатларнинг иқтисодиётига зарар етаётганлиги, ўрмонларда яшовчи жонзотларнинг қирилиб кетаётганлиги «Ёнғин балоси»ни ҳам юқоридаги таҳдидлардан бири эканлигини кўрсатиб турибди. «Ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзал» деган ибора бор. Ушбу иборага амал қилган ҳолда ёнғин профилактикасини амалга оширишда ички ишлар идоралари билан ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш лозим.

Фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги ва мулкий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлашда ёнғин хавфсизлиги хизматининг роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, аҳолининг турар жойларига, уларга тегишли моддий бойликларга ёнғин натижасида шикастланишини олдини олишда ёнғин хавфсизлиги хизматларининг самарали меҳнати талаб этилади.

Маҳаллий аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги профилактикасини амалга оширишда маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари кўмагидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, газ ва электр энергиясидан ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига амал қилмаган ҳолда фойдаланиш, иссиқхона, новвойхона, хусусий ошхона, хонадон ва кварталларда газ мосламаларидан фойдаланишда резина шланглар орқали улаш, газ ва электр тармоқларидан ҳисоблагичларсиз, ноқонуний тарзда, ўзбошимчалик билан ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолда улаб фойдаланиш ҳолатлари аҳоли истиқомат қилувчи маҳаллаларда юз беради. Маҳалла фаолларининг аралашувисиз мазкур муаммоларни бартараф этиш амри маҳолдир.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитида Ҳукумат томонидан фуқароларга хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланишга, айниқса ишлаб чиқариш, касаначилик, ҳар ҳил турдаги устахоналар очиш ва уларни юритиш учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилди. Тадбиркорлар ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ва қобилиятлилиги билан ўзларининг хусусий бизнесларини юритмоқдалар. Аммо, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар эшиги очилганлигини тадбиркорлик субъектлари учун қонун доирасида эканлигини англаб етишлари лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, газ ва электр энергия манбаидан ноқонуний йўллар билан, ўзбошимчалик қилиб, ёнғин хавфсизлиги меъёрларига риоя этмаган ҳолда давлат мол-мулкини талон-торож қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган, чунки мазкур табиий ресурслар умумхалқ бойлигидир.

Ёнғин хавфсизлиги профилактикасини амалга оширишнинг моҳият ва мазмуни иккиёқламалик жиҳатга эгадир. Биринчи жиҳат фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, уларнинг мулкий дахлсизлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иккинчи жиҳати жисмоний ва юридик шахсларнинг газ ва электр энергия таъминотидан ноқонуний равишда ва ўзбошимчалик билан фойдаланиши оқибатида давлатга етказиладиган моддий зарарнинг олдини олишдир.

Статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда содир бўлаётган ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига, яъни маҳаллаларга тўғри келмоқда. Маълумки, содир бўлаётган ёнғинларнинг олдини олишда фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг фаолияти билан чекланиш кутилган самара бермайди, зотан кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик асосида, айниқса фуқароларнинг ўзининг ўзи бошқариш органларини жалб қилиб, уларнинг кўмагидан фойдаланган ҳолда профилактик ишларни ташкил этишнинг унумлилиги шубҳасиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорликда юқорида кўрсатиб ўтилган мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор комплекс тадбирларни амалга оширмоқда. Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин»деган гап бор. Ўзимиз ва оила аъзоларимизни, тинимсиз меҳнатлар натижасида бунёд этилаётган бино иншоатларимизни, атроф табиий муҳитни «Ёнғин балоси»дан асрайлик.

**Бобур ЭШМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ**
**12 – ХЁХО 24 – ХЁХҚ**
**смена бошлиғи, лейтенант**

**Танловлар**

## ОЛТИН КУЗ

***Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ҳосил байрамига бағишланган рақслар кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Танловда маданият уйининг ҳаваскорлик жамоаларидан «Камалак» халқ рақс дастаси, «Нянчо» корейс миллий ашула ва рақс ансамбли, «Юлдузча», «Дукалес Дэнс», «Мега Дэнс», «Кристалики» ва «Триумф» болалар рақс дасталари ўзаро беллашдилар.

— Танловда «Камалак» халқ рақс дастаси ўзининг «Олма пишганда галинг» номли хоразмча рақси билан, «Нянчо» корейс миллий ашула ва рақс ансамбли «Атиргул», «Юлдузча» болалар рақс дастаси эса «Малинки» сингари жозибадор рақслари билан йиғилганларга хушкайфият улашдилар, — дейди биз билан суҳбатда «Тенгдош» маданият уйи директор ўринбосари Хосият Маллабаева.

Ҳакамлар томонидан танлов қатнашчилари саҳна либослари, рақс постановкаси, рақснинг мазмун моҳиятига кўра баҳоландилар ва касаба уюшмасининг эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Айни олтин куз фаслида ҳосил байрамига бағишланган бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишда айни муддао бўлади.

**Башорат ЭРГАШЕВА**

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

***Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг буйруғига асосан бошқарманинг Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи Бекпўлат Мирзанов ҳамда бошқарма ходимлари Шуҳрат Сатторов ва Бахтиёржон Бозорбоевлар Юнусобод тумани ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларда «Реклама тўғрисида»ги қонунга зид равишда жойлаштирилган рекламаларни ўрганиб чиқиши, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича тегишли таъсир чораларини кўришлари керак эди.***

Учовлон А.Дониш кўчасида жойлашган «GAMMA ULTRAMARIN» масъулияти чекланган жамиятга қарашли алкоголь маҳсулотлари савдо дўконининг фасад қисмидаги рекламанинг қонунга зид равишда жойлаштирилганини аниқлашди. Улар ушбу ҳолат бўйича жамият раҳбари А.Ибрагимовга қонуний чора кўришлари керак эди. Бироқ улар бошқача йўл тутишди. Яъни, жамият раҳбаридан моддий манфаат олиш пайида бўлишди.

— Дўконнинг ташқи рекламаси ноқонуний, — дейишди бошқарма ходимлари жамият раҳбари Алишер Ибрагимовга юзланиб. — Катта миқдордаги жаримага тортиласиз.

Катта миқдордаги жаримани эшитган жамият раҳбари илтимос қилди:

— Келинглар, ҳужжатни расмийлаштирмай, ўзларингиз билан келишиб қўя қолай. Учта пакет қилиб берайин...

Шуҳрат Сатторов дарров «жилов»ни қўлга олиб, ҳаммаси Бекпўлат Мирзанов «фикри»га боғлиқ деди.

Дарҳақиқат, Бекпўлат Мирзанов жамият раҳбаридан Шуҳрат Сатторов орқали 600.000 сўм талаб қилган. Акс ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари миқдорида жарима қўллаш билан қўрқитади. Иложсиз қолган тадбиркор «Юнусобод» ресторани олдида Шуҳрат Сатторовга «ҳозир имкони йўқлигини» айтиб, 100 АҚШ долларини беради. Ш.Сатторов ва Б.Мирзановлар долларни «қора бозор»да майдалаб бўлиб олишади. Бунга ҳам қаноат қилмаган Ш.Сатторов жамият раҳбарига қатъий шарт қўйди.

— Учта пакетга чет элда ишлаб чиқарилган энг қимматли коньяк ва шампандан соласиз ва 200.000 сўм берасиз.

Шуҳрат Сатторов тез орада А.Темур кўчасида жойлашган «Ош маркази» олдида Алишер Ибрагимовдан учта пакетга жойлаштирилган умумий қиймати 1.110.000 сўм бўлган спиртли ичимликлар тўплами ва 200.000 сўм олади. Пакетлар тенг тақсимланди. Пулни эса ўзига олиб қолди. Бироқ, порахўрларнинг кирдикорлари узоққа чўзилмади.

Мансаб мавқеидан фойдаланиб, таъмагирлик қилганлар қонун олдида жавоб бердилар.

**Ботир МИРҲАМИДОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги**
**СВОЖЖДЛКК Департаменти Тошкент**
**шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55-сонли ижро варақасига асосан, «Караван Холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЁАЖ УМ, «Концерн Карвон Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фоод» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторож» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютуқ» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнесс» МЧЖга тегишли мол-мулклари арзонлаштирилиб, жамланма сифатида такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 8 613 760 130,1 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 7 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

***Пойтахтимизда «Талаба – 2012» халқаро таълим кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг «Нео-Консалтинг» таълим компанияси томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг олий таълим муассасалари, тегишли идоралари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, талабалар иштирок этди.***





Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

# «ТАЛАБА — 2012» ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури баркамол, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш, етук мутахассислар тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатлар мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча соҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу соҳада самарали халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделимизнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилганининг яна бир тасдиғидир. Хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда турли йўналишлар, жумладан, чет тилларини чуқур ўрганиш бўйича факультет ва кафедралар ташкил этиш амалиёти тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимиз ёшлари хориждаги нуфузли таълим даргоҳларида ҳам билимини ошириш, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўрганиш, замон талаблари даражасида таълим олиш имкониятига эга.

«Талаба – 2012» халқаро таълим кўргазмаси бу борадаги имкониятларни янада кенгроқ ишга солиш мақсадида ташкил этилди. Кўргазма иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиликлар билан танишдилар.

Кўргазмада Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги «Темпус» дастури, «Эразмус Мундус» ва «Мэри Кюри» каби грант ва алмашинув таълим дастурлари, Британия Кенгаши ва Германия академик алмашинув хизматларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Кипр ва Малайзия каби давлатлардан халқаро университетлар вакиллари иштирок этди.

– Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир, – деди Европа Иттифоқи элчиси, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Норбер Жустен. – Ўзбекистонда таълим инфратузилмасини такомиллаштириш ва ўқитувчилар малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Ўзбекистонлик талабалар билан бевосита мулоқот жараёнида мамлакатингиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти юқори эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганмиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан таълим соҳасида узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, кўплаб лойиҳаларни амалга оширдик. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

– Ўзбекистон билан Германия ўртасида таълим йўналишидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани жуда қувонарлидир, – деди Германия академик алмашинув хизматининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Герт Рюдигер Вегмарсхаус. – Бу борада мамлакатларимиз университетлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ҳам фаол ва самарали ҳамкорлик қиляпмиз. Ўзбекистонда таълим соҳаси ҳавас қилса арзигулик даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингизнинг қатор университетларида бўлдим. Таълим олиш учун яратилган шароит ва имкониятлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ёшларининг изланувчан ва қизиқувчанлиги, билимга чанқоқ экани мени ҳайратлантирди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон ёшларини Германия таълим тизимида яратилган имкониятлар, университетлар фаолияти ва уларда таҳсил олиш имтиёзлари билан таништиряпмиз.

«Талаба – 2012» халқаро таълим кўргазмаси хорижда таҳсил олиш ниятида бўлган талаба-ёшларнинг чет эллардаги олий таълим муассасалари фаолияти билан танишиши учун яхши имконият бўлди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун ўтказилаётган Осиё саралаш мусобақаси доирасида Қатар футболчиларини 0:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.***

**«Жаҳон чемпионати — 2014»**

## САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

Миржалол Қосимов шогирдлари саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичида «А» гуруҳида тўртинчи тур учрашувини Доха шаҳрида Қатар миллий терма жамоасига қарши ўтказди.

Учрашув мезбонлар устунлигида бошланган бўлса-да, ҳамюртларимиз қисқа фурсатда ташаббусни ўз қўлига олди. Бунинг самарасида 13-дақиқада Акмал Шораҳмедов оширган тўпни Санжар Турсунов рақиб дарвозасига аниқ йўллади. Ўйиннинг иккинчи ярмида Қатар футболчилари ҳужумга зўр берган бўлса-да, ҳисоб ўзгармай қолди.

Муҳим учрашувда зафар қучган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг очколари сони бештага етди. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни 14 ноябрь куни сафарда Эрон миллий терма жамоасига қарши ўтказади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Спорт янгиликлари**

## РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

***Мухлисларга маълумки, октябрь ойининг охири ҳамда ноябрь ойи бошларида Вьетнамда футзал бўйича халқаро турнир бўлиб ўтади.***

Ушбу нуфузли турнирга пухта ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон футзал терма жамоаси аъзоларининг рақиблари номи маълум бўлди. Вьетнамдаги турнирда ҳамюртларимиз вьетнамлик, кувайтлик, италиялик футзалчиларга қарши бир гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб боришади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида хапкидо бўйича ўн еттинчи очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Анъанага кўра, турнир ҳамма тоифалар бўйича ўтказилди. Хапкидо бўйича миллий терма жамоамиз сафида шу йилнинг апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган очиқ чемпионатда муваффақиятли қатнашган уч нафар спортчиларимиз кураш олиб боришди.***

## ХАПКИДОЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Сеул шаҳрида бўлиб ўтган очиқ чемпионатда Абдулазиз Аҳмадалиев хапкидо билан уч йилдан буён шуғулланишига қарамай у 2011 йилдаги натижасини такрорлаб олтин медалга сазовор бўлди. Жаҳонгир Ҳусанов бундай халқаро мусобақаларда биринчи бор қатнашаётгани сабабли бир оз ҳаяжонланишига қарамасдан олтин медаль совриндорига айланди. Артем Рукавашников эса кумуш медални қўлга киритди. Терма жамоамиз мураббийи хапкидо бўйича 4-дан соҳиби Зафар Раҳматуллаев ўз маҳоратини яна бир карра намойиш этиб, жанг санъатининг олтин медалига сазовор бўлди.

— Мен мамлакатингиз спортчиларини яхши биламан, — дейди Халқаро федерация бош котиби, 8-дан соҳиби Но Су Килл. – Чунки кўп маротаба Тошкентда бўлиб, машғулотларни кузатганман. Уларнинг маҳорати янада ошибди. Ўзбекистонда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Тажрибали мураббийлар, ажойиб спорт мажмуалари бор. Бунинг самарасини ўзбек спортчилари эришаётган ютуқларда кўриб турибмиз.

Хапкидо йўналишида Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, марказга аъзо федерациялар томонидан мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларнинг, қитъа ва жаҳон чемпионатларининг мунтазам ташкил этилиши ўғил-қизлар ўртасида шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини оммалаштиришга, хорижлик мутахассислар, халқаро майдонда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, семинар-тренинг ва маҳорат машғулотлари, кўрик-танлов ва фестиваллар уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

---

**Шифобахш неъматлар**

## АНОР

***Анор ҳар қандай дастурхонга ўзгача кўрк бағишлайдиган жаннатмакон ўлкамизнинг боғ меваларидан бири ҳисобланади.***

Анорнинг шарбатли қисмида 21 фоизгача қанд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза), дармондори-витаминлар (14 мг фоиз витамин С. Фолат кислота ва бошқалар), органик кислоталар бор.

Анор пўстлоғида ошловчи қатрон (смола), бўёқ моддалари, шунингдек мева пўсти ҳамда оралиқ пардалари таркибида 28 фоизга қадар ошловчи омиллар бўлади. Нордон анор безгак хуружига таскин берувчи, меъда яллиғланишида нафли ҳисобланади.

Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғи ва қулоқ оғриғига фойда қилади ҳамда у бурун ичига суртиладиган доридир. Унинг уруғини янчиб, асал билан бирга қўшиб оғиз оғриғига суртилса, фойда қилади.

Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади.

Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади ва ширини кўнгилни очади. Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда қилади. Иситмалаган киши анорни овқатлангандан кейин сўриши керак. Анорнинг нордони ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштиради, умуман иккаласи ҳам сийдик ҳайдовчидир.

Анор иссиқланишдан келиб чиқадиган кўкрак оғриғига, изтиробли йўталга тиним бағишлайди, талоқ касалликлари, юракнинг бежо уришида ижобий таъсир қилади. Анор одамнинг товушини тозалайди, танани семиртиради. Овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради, қичима азобидан холи қилишда, киши юзини тиниқ бўлишига ижобий таъсир этади.

Мева пўстлоғидан тайёрланган қайнатма оғиз бўшлиғининг яллиғланишига даво бўлади.

Унинг илдиз пўстлоқларидан тайёрланадиган экстракт, шунингдек пўстлоғи таркибидаги пельтерининг танин ва сульфат кислотаси билан умумлашмаси (пельтеринсульфат) лентасимон гижжаларни туширишда ишлатилади. Мева пўстининг қайнатмаси дизентерия касалини даволашда қўл келади.

## БЕҲИ

***Ҳар бир фаслнинг ўзига хос гашти бор. Кеч кузнинг асл мевалари қаторида беҳи алоҳида ўрин тутиши билан ажралиб туради.***

Беҳининг шарбати қон кетишда, қон қусишда, бехос қайт қилишда, чанқоқликда яхши ёрдам беради. Беҳининг юмшоқ қисми қотирувчи хусусияга эга. Шу боисдан ҳам беҳини оз миқдорда ёки пиширилган ҳолда, мураббо кўринишида, айниқса асал билан истеъмол қилиш лозим.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим**

---

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур**

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ҳаётнинг ўзи ҳамма нарсани жой-жойига қўяди.**

* * *

**Бахтига ҳам, бахтсизлигига ҳам кўпинча одамларнинг ўзлари сабаб бўлишади.**

* * *

**Жуссанг кичик бўлса ҳам, қалбинг катта бўлсин.**

* * *

**Бировдан таъма қилиш ҳам маънавий ўғриликдир.**

* * *

**Кулгили нарса баъзида аламли бўлади.**

* * *

**Дард ичдан емиради.**

* * *

**Ғам ҳам, шодлик ҳам бир-бирини чақиради.**

* * *

**Эртасига умиди йўқнинг бугунида ҳам ҳузур йўқ.**

* * *

**Одамни атрофидагилар бузади.**

* * *

**Одамнинг юриш-туриши, гап-сўзи, қилаётган ишларидан ҳам тафаккур даражасини билса бўлади.**

* * *

**Хоҳиш ҳеч нимани ҳал қилмайди – ҳаракат қилиш керак.**

* * *

**Бировдан қизғанганинг бошқага кетади.**

* * *

**Шам атрофни ёритади-ю, туби қоронғи қолади. Шунга ўхшаб, доно ҳам олам ва одамни ўйлайди-ю, ўзининг фойда-зиёнини хаёлига келтирмайди.**

* * *

**Шубҳа илондан баттар – бир чақишда ўлдирмайди, бир умр чақиб яшайди.**

* * *

**Қўрқув ёвдан баттар.**

* * *

**Одам боласи бошқалардан кўра кўпроқ ўзини алдайди.**

* * *

**Баъзиларнинг ўзи алданишга мойил бўлади: минг марта алданганига қарамай, минг биринчи марта ҳам алданаверади.**

* * *

**Масъулиятсиз киши билан дўст тутинмаган маъқул.**

* * *

**Моли йўқнинг ҳоли йўқ.**

* * *

**Шаҳарда вақт чопиб ўтади, қишлоқда имиллаб.**

* * *

**Ҳаётнинг устидан ғолиб чиқиб бўлмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

---

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 октябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **18 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража илиқ, кундузи 14-16 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1041

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4858 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5